


Қуръон ҳофизи Маҳмуд Халил Хусорий



09:20 / 30.08.2019 2899

Маҳмуд Халил Хусорий Мисрнинг дунёга машҳур қориларидан. Миср қишлоқларидан бирида туғилган, отаси бўйра тайёрлаб сотгани учун у Хусорий бўлиб кетган (араблар бўйрани «хасир» дейди). Ўн ёшида мураттаб қори бўлди, отасининг ишига кўмаклашди. Кейинчалик Мустафо Исмоил ва Маҳмуд Алий Баннолар билан ўша даврнинг машҳур Қуръон ҳофизи Иброҳим Салломдан Қуръон илмини ўрганди. 1944 йили Миср радиоси ташкил этган қорилар танловида икки юз қори ичида ғолиб чиқди. 1965 йили Миср Вақф мулклари вазирлигида Қуръон бўйича маслаҳатчи бўлди. Кейинчалик Қуръони Каримга оид тадқиқотлари учун Қуръон фанлари доктори унвонини олган. Биринчи бўлиб Қуръони Каримни тўлалигича тартил билан ўқиб, магнит тасмасига ёздирди. Кўплаб Ислом ўлкаларига ташриф буюриб, мусулмонларни Аллоҳнинг каломи билан ошно қилишга ёрдам берди. Қуръон тиловати борасидаги юксак маҳорати туфайли ғайримуслим ўлкаларда бошқа диндагиларнинг Исломга киришига сабаб бўлди. 1980 йили Кувайтга кетаётиб йўлда вафот этган.

«Hilol» журнали, 5-сонидан олинди.